

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**  
**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТУПРОҚ УНУМДОРЛИГИНИ ОШИРИШ, САҚЛАШ,  
МУҲОФАЗАЛАШ ВА ҚАЙТА ТИКЛАШДАГИ  
МУАММОЛАР ВА ИЛМИЙ ЕЧИМЛАР**

Республика илмий-амалий анжуман

**МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ**

Бухоро – 2018

## БУХОРО ВОҲАСИНИНГ ШЎР ТУПРОҚЛАРИДА ТАРҚАЛГАН ЎСИМЛИКЛАРИ

Эсанов Х.Қ.Шодмонов Ф. - Бухоро давлат университети

Республикамизда шўр тупроқлар чўл, дашт, суғориладиган майдонлар ва ўзлаштирилмаган худудларда кенг тарқалган. Шўр тупроқлар республикамиз худудини 3,05% ини ташкил қилади. Ўзбекистоннинг чўл минтақаси тупроқларининг шўрланиш сабаблари табиий ва антропоген омиллар билан боғлиқ.

Бухоро воҳаси чўл минтақасида жойлашган худудлардан бири бўлиб, унинг тупроғи қумли, гипсли, шўр ва аллювиал (экин майдонларида) тупроқлардан ташкил топган. Бундай тупроқларда псаммофит, гипсофит, галофит ва мезофит ўсимликлар учрайди. Мазкур турлар орасида галофит (шўр тупроқларда учрайдиган турлар) ўсимликлар ўзига хос хусусиятларга эга. Бундай турларнинг хилма-хиллиги ва тарқалиши асосан тупроқнинг шўрланиш даражаси билан боғлиқ.

Республикамизда галофит турлар Н.И. Акжигитова , томонидан тадқиқ қилинган ва 304 тур (8%) шўр тупроқларда учрайдиган ўсимликларни келтирган. И.И. Гранитов [4]Жануби-Ғарбий Қизилкум флораси таркибида галофит турлар 150 турни (16,7%) ташкил қилишини қайд этган.Қ.З. Зокиров Қуйи Заравшон (Бухоро воҳаси) ўсимликларини экологик муҳитлар бўйича тарқалишини ўрганганда шўр тупроқда ўсадиган турларни алоҳида гуруҳга ажратган. Бухоро воҳасида галофит ўсимликлар 110 турни (20,83%) ташкил қилиши аниқланди.

Воҳа флораси таркибидаги галофит ўсимликлар оилалар бўйича таҳлил қилинганда *Chenopodiaceae* (43), *Poaceae* (12) *Asteraceae* (9), *Tamaricaceae* (9), *Plumbiginaceae* (9) оилалари таркибида кўп сон билан иштирок этиши аниқланди.

Шўрланган тупроқларнинг асосий манзарасини шўрадошлар оиласи вакиллари ташкил қилади. Бу ўсимликларнинг поя ва барглари серэт бўлиб, унда асосан туз тўпланади. Шунинг учун улар баъзан яшил ҳолда захарли бўлади. Чорва моллари бу ўсимликларни кузда биринчи ёмғирдан ёки совуқдан сўнг истеъмол қилади.

Шўр тупроқларда доминант тур сифатида *Salsola gemmacens*, *S. dendroides*, *S. orientalis*, *S. sclerantha*, *S. arbuscula*, *Suaeda arcuata*, *S. paradoxa*, *S. microphylla*, *S. salsa*, *Climacoptera lanata*, *Haloxylon aphyllum*, *Karelinia caspia*, *Paramicrorhynchus procumbens*, *Frankenia pulverulenta*, *Aeluropus repens*, *A. littoralis*, *Reaumuria turkestanica*, *Zygophyllum oxianum* ва бошқ. қайд этиш мумкин.

Қаттиқ шўрхок тупроқларда монодоминант турлардан иборат ўсимликлар жамоаси учрайди. Жумладан: *Halocnemis strobilaceum*, *Halostachys belangeriana*, *Kalidium caspicum*, *Tamarix* туркуми турлари. Мазкур турлар кузда ва кишда чорва молларига озика бўлиши билан бирга қурилиш материалари, ёкилғи сифатида аҳоли томонидан фойдаланилади. Айниқса, юлғун туркуми турлари.

Шунингдек галофит ўсимликлар жамоасида *Frankenia bucharica*, *F. hirsuta*, *F. pulverulenta*, *F. vvedenskyi*, *Limonium meyeri*, *L. reniforme*,

*Psylliostachys anceps*, *P. leptostachya*, *P. suworowii*, *Salsola implicata*, *S. incanescens* ва бошқа турлар иштирок этади.

Воҳа худудининг асосий қисми ўзлаштирилган майдонлардан ташкил топган бўлиб, бундай майдонларда ҳам шўр тупроқлар учрайди ва ўзига хос галофит турлардан *Spergularia salina*, *S. sperguloides*, *Atriplex hastata*, *Bassia hyssoifolia*, *Chenopodium album*, *Climacoptera ferganicata* ташкил топган.

Демак, Бухоро воҳаси флорасининг шўр тупроқларда учрайдиган ўсимликлари салмоқли ўринга эга. Буни воҳа худудида шўр тупроқли майдонларнинг кенг тарқалганлиги ва унда сон жиҳатдан кўп учрайдиган турларнинг ўсимлик қопламлари ҳосил қилиб ўсганлигида кўриш мумкин. Мазкур ўсимликлар шўр тупроқларнинг шамол ёрдамида тез тарқалишини олдини олиб суғориладиган майдонларни шўрланишдан сақлайди. Шунингдек, бундай ўсимлик жамоаларидан аҳоли ем хашак мақсадларида фойдаланиши мумкин.

### **БУХОРО ВИЛОЯТИ ШАРОИТИДАГИ ТОҚ ЎСИМЛИКЛАРИДА УН-ШУДРИНГГА ҚАРШИ ЯНГИ КУРАШ УСУЛИ** **Ш.Х.Тўхтаев, Тўраева.Н., З.Ш.Мавлонов - БухДУ**

Бухоро вилояти шароитида боғу-тоқзорларда кейинги йилларда қишлоқ хўжалик экинларининг зараркунандалари, касалликлари ва бегона ўтлар кўпайганлиги туфайли ҳосилдорлик камаймоқда. Бунинг олдини олиш учун зарарли кимёвий моддалар ўрнинга биологик кураш усулга ва зарарсиз моддалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Қишлоқ хўжалигини янада такомиллаштириш омилидан бири, тоқзорларда учрайдиган ун-шудринг (оидиум) касаллигига қарши кураш тадбирлари мукамал ишлаб чиқишдир.

Охириги йилларда тоқзорларни ун-шудринг касаллиги билан зарарланиши ўртача 29-30% ташкил қилди. Бу касаллик намгарчилик кўп бўлган йиллари авж олади ва бунга қарши ишлов ўтказилмаган йилда тоқзорларда 80-86% гача ун-шудринг касаллигига чалиниш мумкин.

Кейинги йилларда бу касалликнинг тез кўпайиб бораётганлиги ҳамда зарари ҳаддан ташқари ортиб бораётганлиги сабабли унга қарши кураш чораларини излаш зарурлиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан чиқарилган қарорларида ҳам аксини топмоқда. Тадбирлар мажмуасида олтингугурт препаратларини бу касалликларга қарши қўллаш алоҳида ўрин тутаяди, чунки бу препарат ташқи муҳит учун хавфли ҳисобланади.

Бироқ, бу препаратлар ҳам баъзи камчиликлардан холи эмас. Касалликка қарши олтингугуртли препаратни қўлланилганда ўсимлик ва унинг барг сиртига нисбатан кам ёпишади, улардан баъзилари эса олтингугурт кукуни сув билан аралашмайди ва суспензия ҳосил қилмайди ва провард натижасида қўлланишга яроқсиз бўлади. Суспензия ҳосил қилувчи турли олтингугурт коллоиди эса тез ёпишиб қолиш хусусиятига эгадир. Ана шуларга асосан ҳозирги вақтда олтингугурт препаратларини қўллаш ва тайёрлашни такомиллаштириш лозим.

	Севообороты и плодородие засоленных земель	
91.	<b>Б.Б. Умаров, К.Г. Авезов</b> Влияние медь- и никельсодержащих комплексных соединений на всхожесть, роста растений и урожайность хлопчатника	326
92.	<b>К.Г. Авезов, Б.Б. Умаров</b> Фунгицидная активность комплексов $ni(ii)$ и $cu(ii)$ на основе ацилгидразонов фторированных $\beta$ -дикетонов	328
93.	<b>Рашидов Н.Э., Элмуродов У.Н., Элмуродова Н.Э.</b> Хлорелла суспензиясини пиллачиликда фойдаланиш усуллари	330
94.	<b>М.Р. Назаров</b> Технологические особенности солнечной сушки целебных плодов и ягод	332
95.	<b>Б.Қ.Ерекеев., Б.Халмуратова., А.Б.Мамбетназаров</b> Шўр ерларда манзара-1, манзара-2 навларини экиш ва технологияларини танлаш	335
96.	<b>М.К. Ergasheva., S.K. Axmedova</b> “Tuproqlar geografiyasi” fanida tayanch tushunchalardan foydalanishning ahamiyati	336
97.	<b>Эргашева М.К., Солиева А.А., Тохирова Г. Б</b> Тўдакўл-ўртачўл мавзеси ўсимликлари тарқалишининг худудий хусусиятлари	338
98.	<b>Эргашева М.К., Садуллаева Д.Х</b> Тўдакўл-ўртачўл мавзесининг худудий хусусиятлари	340
99.	<b>Эсанов Х.Қ. Шодмонов Ф.</b> Бухоро воҳасининг шўр тупроқларида тарқалган ўсимликлари	342
100	<b>Ш.Х. Тўхтаев, Тўраева.Н., З.Ш. Мавлонов</b> Бухоро вилояти шароитидаги ток ўсимликларида ун-шудрингга қарши янги кураш усули	343
101	<b>Ж.Ж. Кучкаров, Х. Нуриддинов, А.А. Жўраев</b> Повышение землеустроитель базового полигона для улучшения мелиорации земель	345
102	<b>З.Ж. Эргашов</b> Биогазни истеъмолга бериш ва уни ишлатиш	347
103	<b>Rajabov Y. Ibragimov N.</b> Yerlarni ekin ekishga tayyorlashda universal ekin ekish mashinalari va mola zichlagichning afzalliklari	349
104	<b>Hasanov I.S., Jo'rayev A.A., Qo'chqorov J.J., Ro'ziqulov J.O'</b> Muvaqqat ariq hosil qiluvchi mashinalar tahlili.	352